

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛЮФАР КАХРАМАНОВНА

**«КОБАФЕН» ВА «КАЛЬЦИЙ ФОЛИНАТ» ЛИОФИЛ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Абдуллаева Нилюфар Қахрамановна

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» лиофил препаратларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш.....3

Абдуллаева Нилюфар Қахрамановна

Стандартизация и контроль качества лиофильных препаратов «Кобафен» и «Кальция фолинат».....21

Abdullaeva Nilyufar Kakhramanovna

Standardization and control quality of lyophilic preparations «Kobafen» and «Calcium folinate».....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛЮФАР КАХРАМАНОВНА

**«КОБАФЕН» ВА «КАЛЬЦИЙ ФОЛИНАТ» ЛИОФИЛ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.1.PhD/Fag79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хусаннова Райхона Ашрафовна
фармацевтика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Урманова Флюра Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари доктори

Етакчи таъкилот:

ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги биоорганик
кимё институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Fag.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «17» Июль соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2023 йил «26» декабр куни тарқатилди.

(2023 йил «26» декабр даги 49 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) муҳим дори воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш бўйича экспертлар комиссиясининг ҳисоботида кўра, парентерал дори воситаларининг улуши тавсия этилган дори воситалари умумий сонининг 29,9 % ни ташкил қилади. Шу муносабат билан парентерал юбориладиган дори воситалар, айниқса лиофил препаратларни ассортиментини кенгайтириш, уларнинг таҳлилида қўлланиладиган замонавий, аниқ усулларни ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда инсонлардаги оғир патологик ҳолатларда кенг қўлланиладиган лиофил дори воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, технологик жараёнлар ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, яроқлилиқ муддатини аниқлаш ва белгилаш бўйича қатор илмий-тадқиқот изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада инструментал физик-кимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда инъекцион эритмалар учун лиофил куқунларнинг сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, дори воситаларининг фаол моддаларини таҳлил қилишнинг оптимал усулларини яратиш ва фармацевтик корхоналарда сифатни таъминлаш учун уларнинг таъсир қилиш алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясида инъекцион эритмаларни ишлаб чиқиш ва сифатини таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бунда турли шаклдаги самарали ва хавфсиз дори препаратлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси, 85-бандида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80%га етказиш....»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, юқори талабга эга бўлган ва импорт қилинадиган дори воситаларни маҳаллийлаштириш, сифатни таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, стандартлаш ҳамда аналитик усулларини валидация бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни

¹ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфузион эритмаларни сифатини таъминлаш, таҳлил усуллари валидация қилиш, фармацевтика корхоналарида сифатни таъминлаш бўйича ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш бўйича республика олимларидан М.А.Азизов, О.А.Шабилалов, А.Н.Юнусхўжаев, З.Салихўжаев, А.Ф.Дўсматов каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида эса, янги субстанциялар синтези, лиофил препаратларнинг технологияси, стандартизацияси ва сифатини таъминлаш, клиник синовларини ўтказиш бўйича тадқиқотларни олиб боришда Béla Illés1, Péter Tamás, M.J.Groves, Y.Jiang., J.Szejtli, A.Hidetoshi, K.Uekama, E.Bilensoy, V.Monnaert, T.Henics, Song Yu-Min., Dong Yin-Long, Z.Y.Yang, D.Silverberg, M.Burkhart, M.Blum, T.Sanai, N.Oochi, H.Gruen, H.W.Lahm, V.G.Gimpelson, V.G.Berezkin, M.Fountoulakis, ҳамда россиялик олимлар Р.У.Хабриев, Э.А.Орлова, И.В.Параманова, Е.Л.Ковалева, А.Е.Булатов, В.В.Береговых, Н.В.Пятигорская, Е.С.Рогов, Т.П.Маркова, Е.Ю.Барманова, Ю.В.Афончиков, А.А.Азембаев, Н.И.Гуменюк, С.И.Киркилевский, В.В.Беляев, Е.Т.Жилякова, А.А.Зинченко, О.О.Новиков, Ж.И.Аладышева, А.Л.Младенцев, А.П.Мешковский, Н.В.Люлина, Н.В.Юргель каби олимларнинг илмий изланишларини эътироф этиш мумкин.

Ушбу диссертация иши илк бор яллиғланишга қарши «Кобафен» ва антидот таъсирга эга «Кальций фолинат» каби мураккаб лиофилизатлар ишлаб чиқаришда юқори аниқликка эга бўлган физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида услубларни ишлаб чиқиш ҳамда тавсия этилган аналитик усуллари яроқлилигини валидацион кўрсаткичлар билан исботлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Махаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. «Кальций фолинат» ва «Кобафен» лиофил дори препаратларини сифатини назорат қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, стандартлаш, валидациялаш ҳамда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лиофил дори препаратларининг сифатини таъминлаш соҳасидаги миллий ва ҳалқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

«Кобафен» лиофил препаратининг таҳлили учун спектрофотометрик ва юқори самарали суюқлик хроматография усули асосида ишончли замонавий услубларни ишлаб чиқиш;

«Кальций фолинат» дори препарати учун анъанавий ва замонавий усуллардан фойдаланиб, сифат ҳамда миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш;

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори препаратлари таркибидаги ёт моддаларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган услубларни спецификлиги, чизиклиги, мослиги ва тўғрилиги бўйича валидацион кўрсаткичларини аниқлаш;

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори препаратларининг яроқлилик муддатини табиий сақлаш ва «тезлаштирилган эскиртириш» усуллар ёрдамида белгилаш;

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори препаратларини тиббиёт амалиётида қўллаш ҳамда ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун корхона фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига тақдим этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Кобафен» ва «Кальций фолинат» субстанциялари ва лиофил препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети лиофил препаратларни кимёвий тузилиши асосида сифатини назорат қилиш, сифатни таъминлаш усулларини стандартлаштириш ва такомиллаштириш, ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида давлат фармакопеясига киритилган хроматографик (ЮҚХ, ЮССХ), спектрофотометрик (УБ, ФЭК) ва кимёвий усуллардан фойдаланилган. Технологик жараёни тасдиқлаш учун лиофил препаратларни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва баҳолаш учун НАССР усуллари - Hazard analysis critical control point ишлатилган. ICH Topic Q 2 (R1) Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology тавсияларига мувофиқ таҳлилий жараёнлар учун тўғрилиқ, ўзига хослик, чизиклилик ва мослиқлик каби текширув кўрсаткичлари қўлланилган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» лиофил препаратини стандартлаштириш ва сифатини назорат қилиш методологияси ишлаб чиқилган;

илк бор «Кобафен» дори препарати таркибидаги мекобаламин ва диклофенак натрийнинг чинлиги, тозаллиги ҳамда таъсир этувчи моддаларининг миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилган;

«Кальций фолинат» лиофил препаратининг чинлигини аниқлаш ва миқдорий таҳлилини олиб бориш учун унифицирланган усул сифатида спектрофотометрик усул ишлаб чиқилган;

лиофилизация босқичини қўллаш натижасида «Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори препаратлари таркибидаги ёт моддалар миқдори субстанцияга нисбатан камайиши юқори самарали суюқлик хроматография усули ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» препаратларининг таҳлили учун қўлланилган аналитик усулларнинг яроқлилиги спецификлик, чизиклилик, тўғрилиқ ҳамда мослик каби валидацион кўрсаткичлар бўйича исботланган;

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» лиофил кукун шаклидаги препаратларнинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари белгиланган;

«Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори препаратларига тиббиётда қўллаш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-кимёвий, клиникагача бўлган фармакологик ва клиник текширувлар асосида тасдиқланган. Тадқиқот натижалари саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лиофил препаратлар ишлаб чиқариш жараёнини сифатини таъминлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош лиофил препаратлар сифатини назорат қилиш методологиясини такомиллаштиришга комплекс ёндашув яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Jurabek Laboratories» МЧЖ ҚҚ билан ҳамкорликда «Кобафен» ва «Кальций фолинат» инъекция учун лиофил кукунларнинг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги ва ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланиб, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган яллиғланишга қарши ва антидот таъсирли дори воситалари ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. «Кобафен» ва «Кальция фолинат» лиофил препаратларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кобафен» 10 мг инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукунга корхона фармакопоя мақоласи ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-16327128-4487-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/M 03676/02/21). Ушбу меъёрий ҳужжатни тасдиқланиши юқори самарали антидот таъсирга эга лиофил дори препаратлари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Кальций фолинат» 50 мг, 100 мг ва 300 мг инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукунга корхона фармакопея мақоласи ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-16327128-4965-2022) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/M 04117/05/22). Ушбу меъёрий ҳужжатни тасдиқланиши яллиғланишга қарши лиофил дори препаратлари ассортиментини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лиофил препаратларнинг замонавий ҳолатлари таҳлили ва сифатини таъминлашдаги муаммолар**» деб номланган бўлиб, адабиёт маълумотлари таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари сифатини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, жумладан, лиофил препаратларни ишлаб чиқариш шароитлари ва шартлари батафсил ёритилган. Шунингдек, замонавий фармацевтик композицияларни ишлаб чиқариш учун таъсир этувчи модда сифатида кальций фолинат ва мекобаламин асосида керакли дори-дармонларни ишлаб чиқариш учун субстанция сифатида кўриб чиқилган ҳамда уларни сифатини назорат қилишнинг мавжуд усуллари тўлиқ ўрганиб чиқилган.


Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот объекти, материаллари ва таҳлил усуллари**» стандарт намуналар, дори субстанциялари, тадқиқотларда ишлатиладиган кимёвий ва фармацевтика таҳлиллари учун

асбоб-ускуналар рўйхати акс эттирилган, шунингдек материаллар, усуллар ва тадқиқот объектлари келтирилган.


Диссертациянинг учинчи боби «Кобафен ва кальций фолинат дори воситаларини стандартлаштириш ва сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш»га бағишланган. Кобафен дори препарати таркибида лиофил кўринишида мекобаламин ва эритувчи сифатида диклофенак 3 % эритмасидан иборат. Кобафен дори препаратининг сифатини назорат қилишда қуйидаги фармакопея кўрсаткичларини ва уларнинг рухсат этилган чегараларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган: таснифи, чинлиги, тиниклиги, ранглилиги, рН, механик қўшимчалар, ёт аралашмалар, флаконни тўлдириш ҳажми, бактериал эндотоксинлар, токсиклик, стериллик ва миқдорини аниқлашга оид тадқиқотлар амалга оширилган ва тадқиқот натижалари келтирилган. Кобафен лиофил препарати таркибидаги мекобаламин миқдорий таҳлилида СФ ва ЮССХ усуллардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди ва энг муқобил усул деб ЮССХ усули танланган. Услубни ишлаб чиқишда кўзғалувчан фаза сифатида метанол- буфер 26:74 нисбатдаги эритмаларидан фойдаланилди. Хроматографик таҳлил Shim-Pack VP-ODS колонкаси (250x4,6 мм, 5 мкм) ёрдамида изократик тартибда амалга оширилди.

Синов қуйидаги хроматографик шароитларда ЮССХ усули ёрдамида ўтказилди:

- Shim-PackVP-ODS колонкаси, 250 x 4,6 мм, 5 мкм ёки эквиваленти;
- оқим тезлиги – 1,0 мл/мин;
- тўлқин узунлиги - 361 нм;
- юборилган миқдори - 20 мкл;
- колонка ҳарорати – 35 °С.



1-расм. Мекобаламин стандарт намунасининг хроматограммаси




2-расм. Кобафен текширилувчи эритмасининг хроматограммаси

1 ва 2 -расмларда келтирилган хроматограммалардан кўришиб турибтики, танланган хроматографик шароитларда стандарт эритма ва текширилувчи эритмаларнинг чўққиларини ушланиш вақтларининг қийматлари бир хил эканлиги аниқланди ва шу қаторда субстанция ва текширилувчи модда таркибидаги ёт модданинг 6,937 минутда ҳосил бўлган чўққиси лиофил препаратда нисбатан камайганини ва умумий миқдори 1% ошмаслигини исботлаб берилди. Ишлаб чиқилган ЮССХ усулда мекобаламиннинг чинлигини, миқдорини ва ёт моддаларни аниқлаш учун оптимал шароит танлаб олинганлигини кўрсатди.


Кобафендаги лиофил кукун кўринишдаги мекоболаминни эритиш, ҳамда унинг фармакологик хусусиятини ошириш мақсадида диклофенак натрий дори препарати таркибига киритилган. Диклофенак натрийни стандартлаш мақсадида иккита усул, яъни нейтраллаш усули бўйича титрлаш, ҳамда спектрофотометрик усули таклиф қилинган.

Спектрофотометрик усул дори моддаларни «чинлиги» ва «миқдори»ни аниқлаш кўрсаткичлари бўйича таҳлилни амалга ошириш имконини беради ва баъзи ҳолларда ундан маълум тўлқин узунликларида нур ютилиши орқали тозаллигини таҳлил қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Кобафен таркибидаги диклофенак натрий эритмасининг стандарт намунаси ва тайёрланган дори препарати синов эритмасининг оптик зичлиги 200 нм дан 400 нм гача бўлган тўлқин узунлиги оралиғида 282 нм максимум нур ютилиши уни сифат ва миқдор таҳлилларини олиб бориш имконини берди.




3-расм. Диклофенак натрий стандарт эритмасининг спектри




4-расм. Кобафен таркибидаги диклофенак натрий эритмасининг спектри

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, кальций фолинат ҳам УБ-соҳада нур ютиш қобилиятига эга. Бу олинган рангли эритманинг нур ютиш спектрларини кўринадиган соҳада ўрганиш имконини берди. Янги методологияни ишлаб чиқиш жараёнида биз модда ва препарат таркибидаги кальций фолинатининг миқдорини аниқлаш учун таҳлилларнинг турли хил вариантларини ўрганиб чиқдик.

Кальций фолинатининг стандарт намунаси ва тайёрланган дори препарати синов эритмасининг дастлабки спектрал тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 200 нм дан 700 нм гача бўлган тўлқин узунлиги оралиғида кальций фолинати 252 нм (3), 401 нм (2), 564 нм (1) тўлқин узунликларида ютилиш максимумига эга.



5-расм. Кальций фолинат стандарт намунасининг спектри



6-расм. Кальций фолинат текширилувчи намунасининг спектри

Олинган спектрлар (5,6-расмлар) оптималлаштирилган шароитларда стандарт эритма ва текширилаётган эритмаларнинг нур ютилиш соҳалари бир хил эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқилган услуб намуналар тайёрлаш ва кальций фолинатнинг миқдорини аниқлаш учун спектрларни ўлчаш шартлари ўзига хос эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, «Кальций фолинат» лиофил препаратини миқдорини аниқлаш учун кальций фолинат таркибидаги кальцийга асосланиб комплексонометрик усул тавсия этилди, ҳамда унифицирланган усул сифатида кальций фолинатни сифат ва миқдорини аниқлаш мақсадида

спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди ҳамда кальций фолинатнинг кириш назоратини ўтказиш учун спецификация жадвали тузилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Лиофил препаратларни стандартлаштириш учун аналитик усуллар валидацияси**» деб номланиб, кобафен ва кальций фолинат лиофил дори препаратларнинг миқдорини аниқлаш учун қўлланилган услубларнинг валидацияси келтирилган. Аналитик усул валидацияси –услугбнинг келтирилган масалаларини хал қила олиши тажриба асосидаги исботламасидир.

Ушбу диссертация ишида фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларни сифатини назорат қилиш мақсадида аналитик усулларнинг кўрсаткичлари регламентланиб, валидацияланган услубларнинг яроқлилиқ мезонлари келтирилган.

Миқдорий аниқлаш усуллари, шу жумладан ёт аралашмаларни миқдор чегарасини аниқлаш усуллари валидацияланди. Кобафен ва кальций фолинат лиофил дори препаратларнинг миқдорини аниқлаш учун қўлланилинган физик-кимёвий усулларнинг ишонарлилиги ва яроқлилигини тасдиқлаш мақсадида валидацияланди.

Аналитик услубнинг валидация жараёни қуйида келтирилган кўрсаткичлар бўйича олиб борилиб, улар тавсияларга кўра танлаб олинади:

- спецификлиги (specificity);
- аниқланиш чегараси (detection limit);
- миқдорий таҳлил чегараси (quantitation limit);
- аналитик соҳа (range);
- чизиқлилиги (linearity);
- тўғрилиги (trueness);
- прецизионлиги (precision);
- барқарорлиги (robustness).

Мекобаламинни ЮССХ миқдорий таҳлил усулини валидациялаш.

Аналитик усуллар валидацияси ICH Q2 (R1) Validation of analytical procedures: text and methodology талабларига мувофиқ амалга оширилди. Ишлаб чиқилган аналитик усуллар учун қуйидаги валидацион кўрсаткичлар танлаб олинди: ўзига хослик (specificity), чизиқлилиқ (linearity), тўғрилиқ (trueness), мослиги (suitability).

Диссертация ишининг натижасига кўра Кобафен дори препаратининг ЮССХ усулида миқдорини аниқлаш услублари ишлаб чиқилди ва валидацияланди. Валидация усулнинг аниқланиш тартибига кўра ўзига хослиги, чизиқлилиги, тўғрилиги ва мослиги бўйича препаратлар миқдорини аниқлашда тўғри келиши аниқланди ва тасдиқлаш тартибини баҳолаш учун ёндашувлар тавсия этилди.

Усулнинг спецификлиги (ўзига хослиги) эритувчидаги стандарт модданинг миқдори билан таъсир этувчи модда ва дори препаратларини таққослаб аниқланди.

**Мекоболамин таҳлилида ЮССХ усули бўйича олинган натижалари
(УФ-детектор 361 нм)**

Намуна	Ушланиш вақти, дак	Чўққи худуди
Бланк	- (6,0 дан 20,0 дақиқа оралиғида)	Аниқланмади
Стандарт эритма	2,783	1807609
Текширилувчи эритмаси (100%)	2,771	1792856

**Кальций фолинатни СФ усулида олинган намуна натижалари
(564 нм)**

Намуна	Оптик зичлик, АЕ
Бланк	0,001
Стандарт эритма	0,357
текширилувчи эритма (100%)	0,353


Усулнинг чизиқлигини аниқлаш мақсадида камида текширилувчи эритма 3 та суюлтириш (концентрация)да таҳлил қилинаётган модданинг текширилувчи эритмадаги 80-120% оралиғида концентрацияси бўйича аниқланди. 2 эритмада– 80%, 2 эритмада – 100%, 2 эритмада – 110% ва 2 эритмада -120% таъсир этувчи модданинг концентрацияси.

Олинган натижалар бўйича чўққи майдони эритмадаги концентрациясига кўра боғлиқлиги курилади. Дастурда тренд чизиғи ва регрессия тенгламаси аниқланади.

**Мекоболаминни чизиқлилик параметри натижаларини статистик
қайта ишлашдан сўнг олинган натижалар**

Статистик хусусиятлари	Натижалар
Эгилиш а	367820
б ординат ўқидаги кесим:	-34889
Корреляция коэффициенти r.	0,9995

Олинган маълумотларга кўра, чўққи майдонининг эритмадаги мекоболамин концентрациясига боғлиқлиги чизилди (7-расм).



7- расм. Мекобаламин концентрациясига чўққи майдонининг боғлиқлик графигини чизиқлилиги


Чизиқлилики баҳолаш мезонлари: корреляция коэффициенти $\geq 0,99$

4-жадвал

Кальций фолинатни чизиқлилики параметри статистик қайта ишлашдан сўнг олинган натижалари

Статистик хусусиятлар	Натижалар
Оғиш а	0,00707
В ордината ўқидаги кесим:	-0,00186
Корреляция коэффициенти r.	0,9998
Тўғри тенглама	$Y=0,00707x-0,00186$

Олинган натижалар асосида, оптик зичликни эритмадаги кальция фолинат концентрациясига боғлиқлиги чизилди (8-расм).



8- расм. Оптик зичликнинг эритмадаги кальций фолинат концентрациясига боғлиқлик диаграммаси

Усулнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида таъсир этувчи моддани плацебо бўйича аниқланади. Плацебо концентрацияси кўрсатилган таҳлил услубининг тортимни 100% дан ташкил топгани. Таъсир этувчи модда модель аралашмасига талаб қилинаётган концентрацияда қўшилади (пастки чегара – макс. 80, 100%; устки чегара – мин. 120%).

Ўлчовлар тайёрлаш ва олиб бориш учун таъсир этувчи моддани концентрацияси 80-120% интервалида тайёрланди, 3 та эритма таъсир этувчи моддаси 90% билан, 3 эритма таъсир этувчи моддаси 90% билан, 3 та эритма таъсир этувчи моддани концентрацияси 100%, ҳамда 110% ва 120% таъсир этувчи моддадан ташкил топган 3 тадан эритмалари.

Кобафен таркибидаги мекобаламин моддасининг ЮССХ усулида миқдорий таҳлили валидация натижалари жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Мекобаламин миқдорини ЮССХ усулида валидацион кўрсаткичлари

Валидация кўрсаткичлари	Мақбуллик мезони	Натижалар
		Мекобаламин
Ўзига хослиги (Спецификлиги)	Намуналарни тайёрлашда қўлланиладиган эритувчилар ва реактивлар, ҳамда плацебо таркибий қисми натижани ўзгартрмайди	Тўғри келади
Чизиқлилиги	Корреляция коэффиценти $\geq 0,99$	0,9995
Мослиги	Вариация коэффиценти $\leq 1,5\%$ ($n \geq 6$, серия 1)	0,2137
Тўғрилиги	Жавоб омили: ўртача қиймат: ўртача қиймат 97,5 – 102,5%. Вариация коэффиценти $\leq 2,0\%$. Ишончлилиқ диапозони қийматнининг 100% ўз ичига олиш керак	Ўртача қиймат.: 100,14 % Вариация коэф. 0,6675% Ишончлилиқ диапозони қийматнининг 100% ўз ичига олиши керак

Барча ҳисобларни Microsoft Office Excel дастури ёрдамида олиб борилди.

Кальций фолинат миқдорини СФ усулда аниқлаш валидацияси.

Спектрлар 200 до 700 нм тўлқин узунлигида ўлчанди. Солиштирувчи эритма сифатида тегишли эритувчи ишлатилди.

Кальций фолинат препарати СФ усулида миқдорий таҳлили валидация натижалари 6-жадвалда келтирилган.

**Кальций фолинат микдорини СФ усули валидацион
кўрсаткичлари**

Валидация кўрсаткичлари	Мақбуллик мезони	Натижалар
		Кальций фолинат
Спецификлиги	Намуналарни тайёрлашда қўлланиладиган эритувчилар ва реактивлар, ҳамда плацебо таркибий қисми натижани ўзгартирмайди.	Тўғри келади
Чизиқлилиги	Корреляция коэффициенти $\geq 0,99$	0,9998
Мослиги	Вариациякоэффициенти $\leq 1,5\%$ ($n \geq 6$, серия 1)	0,202
Тўғрилиги	Жавоб омили: ўртача қиймат: ўртача қиймат 97,5 – 102,5%. Вариация коэффициенти $\leq 2,0\%$. Ишончлилик диапозони қийматнинг 100% ўз ичига олиш керак	Ўртача қиймат.: 99,85% Вариация коэф. 0,2816% Ишончлилик диапозони қийматнинг 100% ўз ичига олиш керак

Барча ҳисобларни Microsoft Office Excel дастури ёрдамида олиб борилди.

Аналитик усул валидацияси олиб борилган изланишлар ва уларнинг натижалари ишончлилиги ҳақида далолат берди ҳамда ишлаб чиқилган усуллар маҳсулотнинг кириш, оралик ҳамда якуний назорат қилишда қўллаш мумкинлигидан далолат берди.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Кобафен ва кальция фолинат лиофил препаратларини турғунлиги ва яроқлилик мудатини аниқлашга**» бағишланган. Дори воситаларининг барқарорлиги уларнинг сақлаш шароити ва муддатига боғлиқ. Шунинг учун уларнинг физикавий ва кимёвий хоссаларига асосланган ҳолда, сақлаш шароитлари ва муддатини ишлаб чиқариш фармацевтика амалиётида муҳим аҳамиятга эга. Яроқлилик муддатини аниқлашнинг табиий ва «тезлаштирилган эскиртириш» усуллари мавжуд.

Табиий усул билан дори воситасининг яроқлилик муддатини аниқлаш учун нормал шароитда унинг яроқлигини сақлаб қоладиган муддатгача қолдириб, ўзгаришлар кузатилади. Бунда кўпчилик дори моддаларнинг яроқлигини аниқлаш 2 йилдан 5 йилгача давом этади. Бу усулнинг асосий камчиликларидан бири кўп вақт олиши ва янги дори моддасининг тиббиётда қўлланилишининг кечикишидир.

Шунинг учун ҳозирги вақтда дори воситалари сақлаш муддатини аниқлашнинг «тезлаштирилган эскиртириш» усули ишлаб чиқилган.

«Кобафен» ва «Кальция фолинат» лиофил препаратларни «тезлаштирилган эскиртириш» услудида яроқлилик мудатини аниқлаш натижалари

№	Серия	Тасвирланиши		Чинлиги (мекоболамин, диклофенак натрий ва кальций фолинат)	Кобафен микдори		Кальций фолинат микдори			Талабга жавоб бериши
		Кальций фолинат	Кобафен		Мекобол амин,%	диклофена к натрий г/мл	кальций фолинат, мг	кальций фолинат, мг	кальций фолинат, мг	
1	7.04.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	99	0,0250	50,03	100,02	300,02	жавоб беради
2	7.06.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	98	0,0260	50,01	100,03	300,02	жавоб беради
3	6.10.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	101	0,0240	49,02	100,00	300,01	жавоб беради
4	5.01.21	Оқ	Пушти	жавоб беради	97	0,0250	49,01	10,02	300,00	жавоб беради
1	9.04.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	98	0,0235	48,00	100,01	300,03	жавоб беради
2	9.06.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	101	0,0250	50,00	100,00	300,02	жавоб беради
3	8.10.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	99	0,0240	49,02	100,02	300,02	жавоб беради
4	7.01.21	Оқ	Пушти	жавоб беради	100	0,0260	50,02	100,01	300,02	жавоб беради
1	11.04.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	98	0,0235	49,02	100,02	300,02	жавоб беради
2	11.06.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	97	0,0240	49,02	100,00	300,00	жавоб беради
3	13.10.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	101	0,0250	49,00	100,01	300,01	жавоб беради
4	14.01.21	Оқ	Пушти	жавоб беради	97	0,0260	50,01	100,03	300,03	жавоб беради
1	16.04.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	99	0,0250	48,01	300,01	300,01	жавоб беради
2	16.06.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	97	0,0262	50,02	100,02	300,03	жавоб беради
3	18.10.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	102	0,0263	50,02	100,02	300,02	жавоб беради
4	19.01.21	Оқ	Пушти	жавоб беради	100	0,0242	49,00	100,00	300,00	жавоб беради
1	18.04.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	98	0,0254	50,02	100,01	300,02	жавоб беради
2	18.06.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	99	0,0250	50,03	100,03	300,03	жавоб беради
3	20.10.20	Оқ	Пушти	жавоб беради	101	0,0260	50,02	100,01	300,01	жавоб беради
4	21.01.21	Оқ	Пушти	жавоб беради	99	0,0240	50,03	100,03	300,00	жавоб беради

Шунингдек, кобафен ва кальций фолинат лиофил дори препаратларни барқарорлиги табиий ва «тезлаштирилган эскиртириш» усулларида ўрганилди. Тажрибалар асосида дори препаратларнинг сақланиш муддатини 2 йил деб белгиланди.

Олинган маълумотларга асосланиб, «Jurabek Laboratories» МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда «Кобафен» ва «Кальций фолинат» препаратлари учун КФМ ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ушбу лиофил дори препаратлар импорт ўрнини босади ва Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиради, шунингдек аҳолини самарали ва арзон дори воситалари билан таъминлаш масалаларини ҳал қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасидаги лиофил препаратларни замонавий ҳолати, уларни ишлаб чиқариш шароитлари ва дори воситалари сифатини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили олиб борилди. Шунингдек, бу гуруҳ препаратларига талабнинг юқорилиги ҳамда уларнинг сифатини халқаро талаблар асосида таъминлаш фармацевтиканинг долзарб вазифалардан эканлиги белгиланди.

2. «Кобафен» лиофил кукун кўринишидаги препаратнинг асосий таъсир этувчи моддалари бўлган мекобаламинни миқдорини аниқлаш учун юқори самарали суюқлик хроматография усули, диклофенак натрий учун эса спектрофотометрик усул тавсия этилди.

3. Антидот таъсирга эга «Кальций фолинат» инъекция учун лиофил кукун шаклидаги дори воситаси таркибидаги асосий таъсир этувчи модда миқдорини аниқлаш учун спектрофотометрик усул ишлаб чиқилди, ҳамда альтернатив усул сифатида комплексонометрик усул тавсия қилинди.

4. «Кобафен» ва «Кальций фолинат» лиофил препаратлари учун ишлаб чиқилган аналитик усулларнинг валидацияси спецификлик, чизиклилик, мослик ва тўғрилиқ каби кўрсаткичлар асосида амалга оширилиб, ушбу усулларни яроқлилиги исботланди.

5. «Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори воситаларининг яроқлилиқ муддатлари табиий сақланиш ва «тезлаштирилган эскиртириш» усулларида 2 йил деб белгиланди.

6. «Кобафен» ва «Кальций фолинат» дори воситаситалари учун корхона фармакопея мақолалари ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланди ва тиббиёт амалиётида фойдаланишга ҳамда ишлаб чиқаришга руҳсат этилди. Ушбу дори воситалари учун «Jurabek laboratories» МЧЖ ҚК корхонасида серияли ишлаб чиқаришнинг амалий масалалари хал қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУЛЛАЕВА НИЛЮФАР КАХРАМАНОВНА

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ И КОНТРОЛЬ КАЧЕСТВА ЛИОФИЛЬНЫХ
ПРЕПАРАТОВ «КОБАФЕН» И «КАЛЬЦИЯ ФОЛИНАТ»**

15.00.02- фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В.2021.1.PhD/Far79.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хусаннова Райхона Ашрафовна
доктор фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты: Урманова Флюра Фаридовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
доктор химических наук

Ведущая организация: Институт биоорганической химии имени академика А.С. Садыкова АН РУз

Защита диссертации состоится 17 Апреля 2024 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 49). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан 26 декабря 2023 года.
(Реестр протокола рассылки № 49 от 26 декабря 2023 года).



Ю.С. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

Ф.Ф. Урманова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно отчету экспертной комиссии Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) по выбору и использованию жизненно важных лекарственных средств, доля парентеральных препаратов составляет 29,9% от общего количества рекомендованных препаратов. В связи с этим важно расширить ассортимент парентеральных препаратов, особенно лиофильных, разработать современные точные методы анализа и обеспечить контроль их качества.

В настоящее время проводятся ряд научно-исследовательских изысканий по обеспечению безопасности лиофильных препаратов, широко применяемых при тяжелых патологических состояниях человека, по разработке технологических процессов и аналитических методик, а также по определению и установлению их сроков годности. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию системы оценки качества лиофильных порошков для инъекционных растворов с использованием инструментальных физико-химических методов, созданию оптимальных методов анализа действующих веществ лекарственных средств, разработке алгоритмов их действия для обеспечения качества на фармацевтических предприятиях.

Сегодня в нашей республике концепция развития фармацевтической отрасли предусматривает разработку и обеспечение качества инъекционных растворов, при этом достигаются определенные результаты по расширению номенклатуры эффективных и безопасных препаратов в различных лекарственных формах. В пункте 85 приложения 2 стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрены такие важные задачи, как «увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов».¹ В связи с этим важно проведение научных исследований по локализации востребованных и импортируемых препаратов, разработке и внедрению системы обеспечения качества, стандартизации и валидации аналитических методик.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», № ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», а также нормативно-правовыми актами, относящимися к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В разработке алгоритма действий по обеспечению качества инфузионных растворов, валидации методов анализа, обеспечению качества на фармацевтических предприятиях большое значение имеют научные исследования таких узбекских ученых, М.А.Азизов, О.А.Шабилалов, А.Н.Юнусходжаев, З.Салиходжаев, А.Ф.Дусматов.

